


**“Тасдиқлайман”**

Транспорт вазирлиги ҳузуридаги  
Жамоатчилик кенгаши раиси

 Д.Якубова

2023 йил 28 июль

**Транспорт вазирлиги ҳузуридаги  
Жамоатчилик кенгаши йиғилишининг  
1-сонли БАЁНИ**

2023 йил 25 июль

Тошкент шаҳри

**Раислик қилди:** Якубова Дилбаҳор Шариповна - Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик суди раиси ўринбосари

**Иштирок этганлар:** Жамоатчилик кенгаши аъзолари (Г.Искандарова, С.Пулатов, Д.Джалалова), Транспорт вазирлиги ҳамда Транспорт вазирлиги ҳузуридаги “Рақамли транспорт” маркази ходимлари

**КУН ТАРТИБИ:**

**1. Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг янги таркиби;**

**2. Юридик бўлими бош юрисконсулти Ж.Муртазаевнинг ҳамда “Рақамли транспорт” маркази Бош юрисконсулти Б.Асроровнинг Транспорт вазирлигида ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан маърузалари;**

**3. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, ҳукумат қарорлари лойиҳаларини муҳокама этиш.**

---

*(Якубова, Муртазаев, Асроров, Жамоатчилик кенгаши аъзолари)*

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2023 йил 24 июлдаги 127-сон буйруғи қабул қилиниб, мазкур буйруқ билан Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг (кейинги ўринларда Кенгаш деб аталади) янгиланган таркиби тасдиқланганлиги тўғрисида маълумот берилди. Кенгашнинг янги аъзолари таништирилди.

Юридик бўлими бош юрисконсулти Ж.Муртазаев ўз сўзини Транспорт вазирлиги тизимида олиб борилаётган кенг қамровли ишлар хусусида бошлаб,

сўнги йилларда транспорт соҳасини ривожлантириш, ташишларнинг юқори даражадаги хавфсизлигини таъминлаш, транспорт соҳасидаги бошқарув тизимини такомиллаштиришда кенг кўламли ислохотлар амалга ошириляётганлиги тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маъмурий ислохотлар доирасида транспорт соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 14 июндаги ПФ-94-сон Фармони қабул қилиниб, мазкур Фармонга мувофиқ:

Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси ҳамда Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси негизида Транспорт вазирлиги ҳузурида Транспорт назорати инспекцияси;

Транспорт вазирлиги ҳузурида давлат муассасаси шаклидаги ягона интегратор “Рақамли транспорт” маркази ташкил этилган.

Шу билан бирга, Транспорт вазирлигига Транспорт назорати инспекциясининг ваколоти доирасида транспортда юк ва йўловчи ташишни назорат қилишни кучайтириш чораларини кўриш ҳамда маъмурий ишларни кўриб чиқиш ваколатини Транспорт назорати инспекциясига ўтказиш топшириғи берилган.

Кенгаш эътиборига юқоридаги Фармонда белгиланган вазифа ва топшириқларни бажариш мақсадида ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тақдим этилди.

Жумладан, Юридик бўлими бош юрисконсульти Ж.Муртазаев куйидаги лойиҳалар юзасидан тақдимотлар ўтказди:

Ўзбекистон Республикасининг “Транспорт хизмати кўрсатишни ташкил этиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Қонуни;

Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт назорати инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

Ўз навбатида, “Рақамли транспорт” маркази Бош юрисконсульти Б.Асроров Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги “Рақамли транспорт” маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси тўғрисида сўзлаб берди.

Кун тартибидаги масалаларни батафсил муҳокама қилиш жараёнида Кенгаш аъзолари тақдим этилган ҳужжатлар лойиҳалари бўйича бир қатор савол ва таклифлар билан мурожаат этди, жумладан:

***Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги Транспорт назорати инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси бўйича:***

Мазкур қарор лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги Транспорт назорати инспекциясининг низоми, Йўл қурилиши объектларини рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти ҳамда Темир йўл ҳаракатдаги таркиби ва инфратузилма объектларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти тасдиқланиши кўзда тутилган.

Хорижий давлатларда рўйхатдан ўтган (айниқса Қозоғистон, Қирғизистон, Афғонистон давлатлари) ва бизнинг мамлакатимизга кириб келувчи баъзи бир транспорт воситаларни конструкцияларига уларни эгалари ўзбилармончилик билан ўзгартиришлар киритган (қўшимча ёқилғи баклар ўрнатиш, транспорт воситаси оғирроқ юк кўтариш учун рессорага қўшимча листлар қўшиш, юкхона ҳажмини 130-150 куб. м. гача кенгайтириш мақсадида юкхона ўлчамларини катталаштириш, 3-4 мост автомобилларга қўшимча мост ўрнатиш, ишлаб чиқарувчи завод ўрнатган ғилдираклар, автошиналар ўрнига кичикларини ўрнатиш ва хоказо) ҳолатлар мавжудлигини ҳамда мазкур ўзгартиришлар йўл қопламаси ҳолатига ва йўл транспорт хавфсизлигига таъсир этиши мумкинлигини инобатга олиб, Кенгаш аъзолари томонидан Транспорт назорати инспекциясининг функцияларига Республика ҳудудида автотранспорт воситаларининг рухсат этилган вазн ва габарит параметрларига риоя этилишини назорат қилишда транспорт воситасини техник ва технологик параметрлари транспорт воситасини ишлаб чиқувчи завод параметрларига мос келишини текшириш функциясини қўшиш таклифи берилди.

Кенгаш аъзоси С.Пулатов ҳайдовчиларнинг иш ва дам олиш режимини назорат қиладиган қурилманинг (тахограф) ишлаши ҳақида тушунтириш берди. Кенгаш аъзолари томонидан Транспорт назорати инспекциясининг инспекторларига тахографлар билан ишлашни, уларни қандай текширишни ўргатишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги айтиб ўтилди.

Транспорт назорати инспекцияси белгиланган штат бирлиги билан сифатли назоратни таъминлай оладими, инспекторлар томонидан электрон назоратни амалга ошириш имконияти мавжудми деган саволлар берилди.

Қарор лойиҳаси билан тасдиқланаётган Маъмурий регламентлар йиғилишнинг барча иштирокчилари томонидан қўллаб-қувватланди.

***Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги “Рақамли транспорт” маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси бўйича:***

Бугунги кунда шунга ўхшаш тузилма борми ёки “Рақамли транспорт” маркази ўз ишини нолдан бошлайдими деган савол берилди.

Белгиланган вазифаларнинг сифатли бажарилишини таъминлаш учун “Рақамли транспорт” марказида ишлаш учун малакали ИТ-мутахассисларни жалб қилиш тавсия этилди.

***“Транспорт хизмати кўрсатишни ташкил этиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Қонуни лойиҳаси бўйича:***

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини 116<sup>6</sup>-модда (Ҳаво кемаларидан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларини бузиш) билан тўлдириш кўзда тутилган. Мазкур моддага мувофиқ йўловчилар (юклар) сиғими, ёки парвоз оғирлиги, ёки мувозанати бўйича чекловлар мавжуд бўлганда парвозни амалга оширишда ҳаво кема командирлари жавобгарлиги белгиланган. Кенгаш аъзолари томонидан манфаатдор шахсларнинг, шу жумладан кема командирларининг ички инструкцияларини урганиб, бошқа шахсларни жавобгарлигини белгилаш лозимлиги таъкидланди. Бундан ташқари, авиация соҳасига оид моддалар қўшилишини асослантиришда ушбу моддалардаги ҳуқуқбузарликлар бўйича аниқ мисолларини келтириш таклиф этилди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 125<sup>2</sup>-моддасига мувофиқ Каботаж учун базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари миқдоридан жарима солиниши белгиланган (тахминан 560 АҚШ доллари). Бироқ, халқаро тажриба шуни кўрсатадики, хорижий мамлакатларда Каботаж учун жазо анча юқори (мисол учун, Россияда – 2000 АҚШ долларига яқин, Беларусия ва Латвияда – 700 АҚШ долларидан ортиқ ва ҳоказо). Ўзбекистонда жарима миқдори камлиги сабабли хорижий ташувчилар ушбу жаримага қарамасдан Каботаж билан шуғулланишни давом этмоқда. Юқоридагиларни инобатга олиб, Каботаж учун жарима миқдорини ошириш таклифи берилди.

Сўнгги 5 йил ичида халқаро автомобиль юк ташувига жалб қилинган ташувчиларнинг сони ва улардаги ҳаракатланувчи таркиб 4 баравар ошиб, ҳозирда автотранспорт воситаларни сони тахминан 18000 донани ташкил этмоқда. Аммо ушбу автотранспорт воситаларини сақлаш муаммоси мавжудлиги ва автомобиль турар жойлари етишмаслиги кузатилмоқда. Бироқ, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 125-моддаси еттинчи қисмида корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга қарашли транспорт воситаларини ишдан ташқари вақтда улардан фойдаланиш шартларига мувофиқ келадиган тарзда махсус жиҳозланмаган жойда сақлаш учун жазо белгиланган. Ушбу жазони қўллашдан олдин, автотранспорт воситаларини сақлаш жойлари масаласини ҳал қилиш кераклиги ҳақида фикр билдирилди.

Автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташишда автотранспорт воситасининг давлат ҳудуди бўйлаб ўтиши ва тегишли ташиш турини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсатнома бланкаларисиз ташиш билан шуғулланиш, шунингдек халқаро юк ташишни амалга оширадиган транспорт воситаларини назорат асбобларисиз (тахографларсиз, носоз тахографдан

фойдаланган ёки тахографларни ўчирган ҳолда) бошқариш, ҳайдовчининг ишлаш ва дам олиш режими бузилиши учун маъмурий жавобгарлик белгиланиши кўзда тутилганлиги Кенгаш аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди. Бугунги кунда, хорижий мамалакатларда миллий ташувчиларга нисбатан юқорида қайд этилган ҳуқуқбузарликлар учун юқори миқдардаги жарималар қўлланилиши, бироқ Ўзбекистон қонунчилигида хорижий ташувчиларга нисбатан бундай қилмишлар учун жавобгарлик мавжуд эмаслиги тўғрисида айтилди.

Кенгаш аъзолари томонидан берилган саволларга Ж.Муртазаев ва Б.Асроров томонидан аниқ маълумотлар келтирилган ҳолда батафсил жавоблар қайтарилди, шунингдек, юқоридаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан билдирилган барча таклиф ва мулоҳазалар инобатга олиниши таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда муҳокама этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан Кенгаш аъзолари эътиборига етказилган маълумотлар ҳамда берилган саволлар ва билдирилган таклифларни муҳокама этиш натижаларига кўра Транспорт вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган мазкур лойиҳалар йиғилиш иштирокчилари томонидан **маъқулланди.**

Кенгаш котиби



Г.Алимбаева